

ЎТМИШГА НАЗАР

9 ЖИЛД, 8 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 9, НОМЕР 8

LOOK TO THE PAST

VOLUME 9, ISSUE 8



ТОШКЕНТ-2026

Бош мухаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош мухаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Аширов Адхам Азимбаевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
ЎзР. ФА. Тарих институти

Агзамова Гулчеҳра Азизовна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
ЎзР. ФА. Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори (DSc),
Телави давлат университети

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика университети

Аминова Азиза Марксовна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Навоий давлат педагогика институти

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори (DSc),
Тошкент ирригация ва кишлок хужалигини механизациялаш мухандислари институти
Миллий тадқиқот университети

Худайкулов Тулқин Дўстбоевич
Тарих фанлари доктори (DSc)
Шаҳрисабз дала педагогика институти

Гоффоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори (DSc), профессор
Самарқанд давлат университети

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Қариш давлат техника университети

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Эшов Боходир Жўраевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор
Қариш давлат университети

Махкамova Надира Рахмановна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Тошкент ахборот технологиялари университети

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори (DSc),
Телави давлат университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодири Абдуллаевна
тарих фанлари доктори (DSc),
Ўзбекистон Фанлар академияси

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Хайдаров Ғайратбек Мирзапўлатович
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Андижон давлат университети

Рашидов Ойбек Расулович
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Расулов Абдуллажон Нуриддинович
тарих фанлари доктори (DSc), профессор
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор
Санкт-Петербург Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Қозогистон давлат тарихи институти

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори (DSc), профессор,
Қозогистон Миллий университети

Хайдаров Муродилла Махмудалиевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Тожибоев Музаффар Турдибоевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
ИИВ Академияси

Алиева Лале
тарих фанлари доктори (DSc),
Озарбайжон давлат университети

Саипова Камола Давляталиевна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори (DSc),
Догистон мустақил университети

Иноятова Диларам Маниглиевна
Тарих фанлари доктори (DSc), профессор
Ўзбекистон Миллий университети

Таниева Гулдона Мамановна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Низомий номидаги Ўзбекистон Миллий педагогика университети

Дорошенко Татьяна Ивановна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент,
Азербайджон давлат
иқтисодиёт университети

Мирзалиев Улуғбек Бегмурзаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), Гулистон
давлат педагогика институти

Нуруллаева Шоира Кушназаровна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Урганч давлат университети

Курбанов Бахтияр Журабаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD),
Наманган давлат университети

Хакимова Шоира Сағдуллаевна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), UBS Тошкент филиали

Толибоева Нодира Одилжоновна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон
жаҳон тиллари университети
Масъул котиб

Теймураз Ахалмосулишвили
тарих фанлари номзоди, профессор,
Телави давлат университети

Джоробекова Айнура Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Қозоғистон дипломатия академияси

Рахмонқулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исаков Бахадир Нигматуллаевич
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Холмуродов Дилшод Рашидович
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), Жиззах давлат
педагогика университети

Юсупов Ахмеджон Шоназарович
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доценти
Urganch davlat universiteti

Тиллахжаева Хуршида Джумаваевна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD),
Тошкент давлат техника университети

Одилов Абдор Анварович
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Ўзбекистон Миллий университети
Масъул котиб

Исоков Бахтиёр Робиддинович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Наманган давлат университети

Тўхтабасв Аъзамжон Шарипхўжаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент,
Наманган давлат университети

Халмуратов Бахтиёр Режавалиевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент,
Наманган давлат университети

Алимардонов Отабек Қудратович
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доценти
Ўзбекистон Миллий университети

Хасанова Нодира Ибрагимовна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доценти, Денов
тадбиркорлик ва педагогика институти

Турсунова Юлдуз Бобоқуловна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD),
ЎзР. ФА. Тарих институти

Азаматова Гулмира Байирбековна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD),
Jizzax davlat pedagogika universiteti

Каримжонов Жасурбек Мухторжонович
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD),
Ўзбекистон Миллий университети

1. Надира Махкамова

СОВЕТ ҲОКИМИЯТИ ЎРНАТИЛГАНИДАН КЕЙИН ТУРКИСТОНДА ЖАМИЯТ ИЖТИМОИЙ ТУЗИЛМАСИ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ.....5

2. Ollabergan Allaberganov

1945–1960-YILLARDA XORAZM VILOYATI QISHLOQLARIDA MAKTABGACHA TARBIYA TIZIMIDAGI MUAMMO VA ZIDDIYATLAR.....13

3. Zaxra Mirzayeva

K.P. FON KAUFMAN MA’MURIYATINING ILK KO‘RGAZMA TASHABBUSLARI.....17

4. Akmal Mengliboyev

SOVET HOKIMIYATI O‘RNATILISHI ARAFASIDAGI JANUBI-SHARQIY BUXORODA VAZIYAT.....23

5. Xushnudbek Mamadaliev

XIX ASRNING IKKINCHI YARMI – XX ASR BOSHLARIDA FARG‘ONA VODIYSI SHAHRLARIDAGI DEMOGRAFIK O‘ZGARISHLAR.....28

6. Xosiyat Nafiddinova

MDH DAVLATLARIDA MILLATLARARO MUNOSABATLARNING TARIXIY-ETNOGRAFIK ASOSLARI VA ZAMONAVIY TADQIQOT YO‘NALISHLARI.....35

7. Бекзод Пайзуллаев

БУХОРО АМИРЛИГИ ВА ҚЎҚОН ХОНЛИГИНИНГ ЖИЗЗАХ, ЎРАТЕПА ВА ХЎЖАНД УЧУН КУРАШЛАРИ ТАРИХИ БЎЙИЧА МУЛОҲАЗАЛАР.....39

8. Mo‘minjon Salayev

BAQTRIYA HUUJATLARIDA AYOLLARNING HUQUQIY VA IJTIMOIIY MAQOMI (IV – VIII ASRLAR).....46

9. Nafisa Hayotova

БУХОРО ШАҲРИ МЕЪМОРИЙ МУҲИТИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР: СИЁСИЙ ҲОКИМИЯТ ВА МЕЪМОРИЙ УСЛУБ ЎРТАСИДАГИ БОҒЛИҚЛИК.....55

10. Sevara Elmurodova


O‘ZBEKISTON TARAQQIYOTINING YANGI BOSQICHIDA MAKTABGACHA TA’LIM TASHKILOTLARI SOHASIDA AMALGA OSHIRILGAN ISLOHOTLAR MOHIYATI.....64

11. Ziyodulla Eshmirzayev

TO‘G‘ONSIZ SUG‘ORISHDAN MUHANDISLIK NAZORATIGA: XORAZMVOHASI IRRIGATSIYA TIZIMIDAGI BURILISH (1946–1991-YILLAR).....75

12. Абзамжон Юсупов

ФАРҶОНА ВОДИЙСИ ЖАДИДЛАРИНИНГ МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ВА ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ФАОЛИЯТИ.....81



Nafisa Zakirovna Hayotova,
Buxoro davlat universiteti
Ijtimoiy-siyosiy fanlar
kafedrası dotsenti (PhD)
khayotova.nafisa@bk.ru

БУХОРО ШАҲРИ МЕЪМОРИЙ МУҲИТИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР: СИЁСИЙ ҲОКИМИЯТ ВА МЕЪМОРИЙ УСЛУБ ЎРТАСИДАГИ БОҒЛИҚЛИК

For citation: Nafisa Z. Hayotova. CHANGES IN THE ARCHITECTURAL ENVIRONMENT OF THE CITY OF BUKHARA: THE RELATIONSHIP BETWEEN POLITICAL POWER AND ARCHITECTURAL STYLE. Look to the past. 2026, vol. 9, issue 8.



<http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.22010198>

АННОТАЦИЯ

Мақолада Бухоро шаҳри меъморий муҳитининг XIX аср охиридан XX аср охиригача бўлган трансформация жараёнлари тўрт босқич асосида таҳлил қилинган. Россия империяси таъсири, дастлабки совет ўзгаришлари, сталинча марказлаштирилган шаҳарсозлик, Хрущёв даври стандарт қурилиши ва кечки совет модернизмининг хусусиятлари ёритилган. Уларнинг ижтимоий ва сиёсий омиллар билан боғлиқлиги очиқ берилган. Шунингдек, мазкур жараёнларнинг тарихий шаҳар қиёфаси, ҳудудий ривожланиш ва меъморий меросга таъсири баҳоланган. Мақолада Бухоро меъморий муҳитида анъанавийлик ва совет мафкураси таъсиридаги янгиланишнинг ўзаро муносабати ўрганилган.

Калит сўзлар: Бухоро шаҳри, меъморчилик, совет меъморчилиги, микрараён, Сталин ампири, репрезентативлик, миллий меъморий анъаналар, стандарт қурилиш

Хаётова Нафиса Закировна,

Бухарский государственный университет
Доцент кафедры социально-политических наук (PhD)
E-mail: khayotova.nafisa@bk.ru

ИЗМЕНЕНИЯ В АРХИТЕКТУРНОЙ СРЕДЕ ГОРОДА БУХАРЫ: ВЗАИМОСВЯЗЬ МЕЖДУ ПОЛИТИЧЕСКОЙ ВЛАСТЬЮ И АРХИТЕКТУРНЫМ СТИЛЕМ

АННОТАЦИЯ

В статье на основе четырёх этапов проанализированы процессы трансформации архитектурной среды города Бухары с конца XIX до конца XX века. Освещены влияние Российской империи, первые советские преобразования, централизованное градостроительство сталинского периода, типовое строительство эпохи Хрущёва и особенности позднесоветского модернизма. Раскрыта обусловленность этих процессов социальными и политическими факторами. Также оценено их влияние на исторический облик города, территориальное развитие и архитектурное наследие. В статье исследовано

соотношение традиционности и обновления архитектурной среды Бухары под воздействием советской идеологии.

Ключевые слова: город Бухара, архитектура, советская архитектура, микрорайон, сталинский ампи́р, репрезентативность, национальные архитектурные традиции, типовое строительство.

Nafisa Z. Hayotova,
Bukhara State University
Associate Professor at the Department of Social and Political Sciences (PhD)
E-mail: khayotova.nafisa@bk.ru

CHANGES IN THE ARCHITECTURAL ENVIRONMENT OF THE CITY OF BUKHARA: THE RELATIONSHIP BETWEEN POLITICAL POWER AND ARCHITECTURAL STYLE

ABSTRACT

The article analyzes the transformation of Bukhara's architectural environment from the late nineteenth to the late twentieth century through four distinct stages. It examines the influence of the Russian Empire, early Soviet transformations, centralized urban planning during the Stalin era, standardized construction under Khrushchev, and the characteristics of late Soviet modernism. The social and political factors that shaped these processes are also explored. Particular attention is paid to their impact on the city's historical appearance, territorial development, and architectural heritage. The article further investigates the relationship between tradition and the modernization of Bukhara's architectural environment under the influence of Soviet ideology.

Index Terms: Bukhara, architecture, Soviet architecture, microdistrict, Stalinist Empire style, architectural representativeness, national architectural traditions, standardized construction.

Кириш:

Бухоро Марказий Осиёнинг асрлар давомида шаклланган тарихий шаҳарларидан бири бўлиб, унинг меъморий муҳити сиёсий бошқарув, диний ҳаёт, савдо, ҳунармандчилик ва гузарлар аро муносабатларининг ўзаро уйғунлиги асосида вужудга келган. Арк, Регистон, Пойи Калон, Лаби Ҳовуз, савдо тоқлари, мадрасалар, масжидлар, карвонсаройлар, ҳаммомлар, гузарлар ва ички ҳовлилар турар-жойлар шаҳарнинг ягона тарихий-мақоний тизимини ташкил этган.

Бухоро шаҳрида XIX асрнинг иккинчи ярми ва совет даврида юз берган меъморий-шаҳарсозлик ўзгаришларини маҳаллий тарихий шароит, шаҳарнинг сиёсий мақоми, қурилишни бошқариш тизими ва меъморий шакллардаги ўзгаришлардан келиб чиқиб қуйидаги тўрт босқичга ажратиб ўрганиш мумкин:

1) 1868–1920 йиллар — Россия империяси меъморий ва шаҳарсозлик таъсирининг кириб келиши; 2) 1920–1932 йиллар — тарихий муҳитнинг функционал қайта ташкил этилиши ва дастлабки совет қурилишлари; 3) 1932–1955 йиллар — сталинча марказлаштирилган шаҳарсозлик ва монументал меъморчилик; 4) 1955–1990 йиллар — намунавий қурилиш, совет модернизми ва кечки совет маъмурий меъморчилиги.

Биринчи босқичда айтиш мумкинки, Бухоро амирлигининг Россия империяси билан сиёсий ва иқтисодий алоқалари кучайиши шаҳар ва унинг атрофидаги меъморий жараёнларга таъсир кўрсатди. Темир йўл қурилиши ва Янги Бухоро шаҳрининг вужудга келиши натижасида Бухоро воҳасида бир-биридан фарқ қилувчи икки шаҳарсозлик тизими шаклланди. Эски Бухоро анъанавий гузарлар, тор кўчалар ва ички ҳовлилар уйлар асосида ривожланган бўлса, Когонда тўғри кўчалар, темир йўл инфратузилмаси, европача маъмурий бинолар, банклар, меҳмонхоналар, почта-телеграф, тиббий ва таълим муассасалари барпо этилди. Лекин айтиш керакки, бу даврда Эски Бухоро ҳудудида ҳам бир қанча бинолар қурилиши амалга оширилди. Хусусан, Арабон ва Хўжа Рўшнои кўчалари кесишмасида, аҳоли асосан карвон савдоси билан шуғулланган маҳалла ҳудудида рус-европа услубидаги

икки қаватли Жўрабек карвонсаройи (Жўрабек карвонсаройи Арабон гузарида, токи Саррафон савдо мажмуанинг жанубида жойлашган.) қурилади. Ҳозирда бино таъмирланган ҳолда сақланиб келинмоқда. Ундан бироз нарида, Саррафон савдо гумбази ёнида ҳам рус-европа услубидаги бино қурилган бўлиб, ҳозирги кунгача сақланмаган. Саррафон ёдгорлигини таъмирлаш ишлари олиб борилган вақтда мазкур бино бузиб ташланади. Совет даврида унинг худудида савдо дўкони фаолият юритган [1]. Шунингдек, шаҳарнинг эски қисмида рус-европа намунасида қурилган бир нечта хусусий ҳовлиларни ҳам кузатиш мумкин. Бундай ҳовлилар ташқи кўриниши жиҳатидан ўрта аср Бухороси муҳитига мос келмаган бўлса-да, бугунги кунда тарихий-архитектуравий аҳамиятга эга ҳисобланади.



Жўрабек карвонсаройи XIX аср




Давлат банки 1903 йил

Рус-европа меъморий анъаналари доирасидаги кенг кўламли қурилиш ишлари XX аср бошларида ҳам амалга оширилган. Хусусан, Шохруд ариғи устидан қурилган, давлат аҳамиятига эга бўлган почта-телеграф маркази ҳамда 1912 йилда қурилиши якунланган Рус-хитой банки бинолари барпо этилади. Бино кичик Абдурахмон Аълам мадрасасига туташ ҳолда жойлашган бўлиб, ноодатий меъморий шаклга эга бўлган. Мазкур иншоотлар шаҳарнинг маъмурий, молиявий ва коммуникация инфратузилмасини шакллантиришда муҳим ўрин тутган. Бугунги кунга қадар ҳар икки бино ҳам деярли ўзининг дастлабки қиёфасини сақлаб қолган. Таъкидлаш керакки, мазкур бинолар хусусий шахсларга тегишли бўлган ер майдонларида қурилган бўлиб, бу биноларнинг қурилиши шаҳар муҳитида янги архитектуравий ва функционал ёндашувларнинг пайдо бўлганлигини кўрсатади. Шунингдек, амирнинг янги саройи, шифохона, дорихона ва рус-тузем мактаблари каби ижтимоий аҳамиятга эга муассасаларнинг барпо этилиши шаҳарнинг меъморий қиёфасида янги тенденцияларни шакллантирди. Ушбу иншоотларда миллий ва европача меъморчилик услубларининг уйғунлашуви кузатилади. Мазкур ўзгаришлар Бухоро шаҳар муҳитида замонавий инфратузилма элементларининг пайдо бўлишига замин яратиб, кейинчалик БХСР даврида амалга оширилган шаҳарсозлик ислохотлари ва модернизация жараёнлари учун муҳим тажриба вазифасини ўтади.

1920 йилда Бухоро амирлиги тугатилиб, БХСР ҳукумати ташкил топгач, шаҳар меъморий муҳитини шакллантириш, қурилиш ишларини бошқариш ва мавжуд бўлган бинолардан фойдаланиш тамойилларида янги босқич бошланди. Илгари ҳукмдорлар, сарой амалдорлари, диний муассасалар, савдогарлар, хунармандлар ва хусусий мулкдорлар буюртмаси асосида амалга оширилган қурилиш ишлари давлат назоратига ўтди. Қурилиш ва лойиҳалаш жараёнларида давлат асосий буюртмачига айланди. Марказлаштирилган бошқарув ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётнинг барча соҳалари қатори меъморчилик ва шаҳарсозликда ҳам ўз ифодасини топди. Меъморий лойиҳалар, шаҳарларнинг бош режалари, қурилиш меъёрлари ва ҳатто биноларнинг ташқи безаклари ҳам Москвада белгиланган

умумий сиёсий ва услубий талабларга мослаштирилди. Инқилобга қадар хусусий буюртмалар ҳисобига фаолият юритган меъморлар ва меъморий услубни эркин танлайдиган буюртмачилар совет даврида ўз мавқеини йўқотди. Меъморнинг ижодий мустақиллиги ўрнини давлат буюртмаси, намунавий лойиҳа ва мафкуравий назорат эгаллади. Шу сабабли совет давридаги меъморий ўзгаришларни сиёсий ҳукумат алмашинуvidан ажратилган ҳолда ўрганиш мумкин эмас.

1920 йилдан бошлаб Ф.Хўжаев раҳбарлигидаги ҳукумат вайрон бўлган шаҳарни қайта тиклашга киришиб, ҳудудда амалий ҳаракатлар бошлаб юборган бўлса-да, тарихий шаҳар муҳитини сақлаш ва модернизация қилиш масаласи муҳим аҳамият касб этди. Бухоронинг шаҳарсозлик инфратузилмаси тарихий аҳамиятга эга бўлган вақф объектлари туфайли ривожланган бўлса-да, уларнинг тугатилиши билан ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг кўплаб жиҳатлари ўзгарди. Мазкур ўзгаришлар ўша даврнинг айрим рус тадқиқотчиларида ҳам шаҳар муҳитини сақлаб қолиш масаласи юзасидан жиддий мулоҳазаларни юзага келтирди. Шаҳарда маълум бир биноларни бунёд этиш масаласида В.В.Бартольд тарихий шаҳар муҳитини сақлаб қолиш тамойилини илгари сурган[1].



Чапдан 1-бино ҳозирда республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий катталар тиббиёт маркази Бухоро вилояти филиали (1924 йил), 2-бино Вилоят касалхонаси (1924 йил),

Унинг фикрича, европача услубдаги янги биноларни шаҳарнинг бўш ҳудудларида барпо этиш мақсадга мувофиқ бўлиб, бу жараёнда қадимий иншоотлар ва Бухоронинг тарихий меъморий қиёфасига зарар етказмаслик лозим эди. БХСР даврида шаҳарда янги совет типдаги ижтимоий инфратузилма объектлари қурила бошланди. Ушбу даврда аҳоли ўртасида тарқалган тропик ва юқумли касалликларни ўрганиш ҳамда уларга қарши курашиш мақсадида 1924 йилда Бухорода “Файзулла Хўжаев” номли тропик касалликлар институти фаолияти иш бошлайди [2: 78]. Институт учун икки қаватли рус-европа меъморчилиги услубида махсус бино қурилиб, унинг атрофида бир қаватли бир нечта ёрдамчи бинолар ҳам барпо этилди. Мажмуа шаҳарнинг Шайх Жалол ва Намозгоҳ дарвозалари оралиғида, Мирзохон ҳамда Саидзода маҳаллалари ҳудудида бунёд этилганлиги қадимий шаҳар муҳитига бевосита зарар етказмаган ҳолда қуришга интилиш мавжуд бўлганлигини кўрсатади.




1924 йилда қурилган институт биноси. (ҳозирда 6-мактаб. 2025 й)

Мазкур биноларнинг асосий қурилиш материали русча қолипда тайёрланган тўғри тўртбурчак шаклидаги пишиқ ғишт бўлиб, у маҳаллий муомалада “Николай ғишти” номи билан машҳур бўлган. Бухоронинг анъанавий турар-жой қурилишида пахса ва хом-ғишт, йирик жамоат биноларида квадрат пишиқ ғишт кенг қўлланилган. Бухородаги мазкур бинолар фасадларининг сувоқланмасдан очик ғиштга қолдирилиши, бинонинг эшик ва деразалари тепа қисми ёйсимон шаклда қурилиши, ғиштли терилган карнизлар, қаватлараро белбоғлар, марказий кириш қисмининг алоҳида бўрттирилиши уларни Россия шаҳарларидаги XIX аср охири – XX аср бошларига мансуб банк, касалхона, почта, ўқув ва маъмурий бинолар билан ўхшаш тарзда қурилганини кўрсатади. Меъморчилик тарихида бундай йўналиш “ғиштли услуб” ёки рус-европа эклектикаси сифатида тавсифланади. Мазкур даврда қурилиш услубида ўзгаришлар кириб келган бўлса-да, улар ҳали яхлит ва изчил шаҳарсозлик тизимига айланмаган эди. 1920-йиллардаги Бухоро меъморий трансформациясининг асосий мазмуни йирик ва намойишкорона янги бинолар қурилишида эмас, балки мавжуд тарихий муҳитдан фойдаланиш тартибининг ўзгаришида намоён бўлди. Давлат тарихий биноларнинг янги эгаси ва уларнинг вазифасини белгилаб берувчи асосий субъектга айланди.

1930-йилларнинг бошларидан Бухоронинг меъморий -шаҳарсозлик ривожига янги босқич бошланди. СССРда сиёсий ва иқтисодий бошқарувнинг тобора марказлашуви қурилиш ва меъморчилик соҳасида ҳам қатъий давлат назоратининг ўрнатилишига олиб келди. Айтилишича СССРнинг янги бадиий ва рамзий қиёфасини яратиш чоралари кўрилди. Меъморчилик янги сталинча давлатнинг сиёсий қудрати ва мафкуравий мақсадларини намоён этувчи муҳим воситаларидан бирига айланди [3]. 1930-йилларда Москвада янги меъморий услубни ишлаб чиқиш ва жорий этиш ишларига Сиёсий бюро аъзоси Лазарь Каганович раҳбарлик қилди. Муҳим лойиҳалар юқори даражадаги услубий назоратдан ўтказилиб, кейинчалик бутун мамлакат учун намуна сифатида қўлланилди. Асосий эътибор биноларнинг марказий кўчалар ва майдонларга қараган фасадларига қаратилди. Меъморий шакл давлат ҳокимиятининг салобати, тартиби ва барқарорлигини ифодалаши лозим эди.

1930-1950 йилларда иттифокдош республика пойтахтларида, жумладан, Тошкентда, Қирғизистон пойтахти Фрунзе шаҳрида, Ашхабодда саройсимон ҳукумат бинолари, театрлар ҳамда симметрия ва монументалликка асосланган неоклассик бинолар барпо этилди. Хусусан, Тошкентда меъмор А.Шусев лойиҳаси асосида қурилган опера ва балет театрида совет даврига хос “шаклан миллий, мазмунан социалистик” мазмун акс эттирилган эди [4].



А.Щусев. Проект театра в Ташкенте, 1934. (ҳозирда А.Навоий театри)

Мазкур умумиттифок меъморий сиёсати Бухоро шаҳрида ҳам намоён бўлди. Бухоро пойтахт шаҳар бўлмаганлиги сабабли бу ерда улкан ҳукумат саройлари ва йирик неоклассик иншоотлар қурилмаган бўлса-да, алоҳида маъмурий ва жамоат биноларининг симметрик қўриниши, тантанавор кириш қисми ҳамда баланд деразалардан иборат бинолар қурилди. Сталин бошқаруви даврида меъморчиликда монументаллик ва тарихий услубларга асосланган империявий қиёфанинг шаклланишига олиб келган бўлиб, яъни 1930-1950 йилларда кенг ёйилган “Сталинча ампири” (“Сталин ампири” услуби -1930 йиллар охирида шаклланиб, 1950 йиллар охиригача давом этган архитектура мактаби.) ёки “совет монументал классицизми”[5] услуби кенг тарқалганини қўриш мумкин.



Бухоро шаҳридаги Республика суд-тиббий экспертиза илмий -амалий маркази



Собиқ Пионерлар уйи, ҳозирда «Баркамол авлод» болалар мактаби сифатида фаолият юритувчи бино

Меъморий шакллар ўзгаришининг тўртинчи босқичида, яъни Хрущёвнинг ҳокимиятга келиши қурилишни арзонлаштириш, стандартлаштириш ва саноатлаштиришни устувор вазифага айлантирди. 1954 йил 7 декабрда Н.С.Хрущёвнинг Бутуниттифок қурувчилар, меъморлар ва қурилиш саноат ходимлари кенгашида сўзлаган маърузаси совет меъморчилигидаги навбатдаги туб бурилишнинг ғоявий асосини ташкил этди[6]. Мазкур маърузада сталин даври меъморчилигига хос ҳашаматли безаклар, мураккаб фасад ҳамда қимматбаҳо меъморий ечимлар иқтисодий жиҳатдан самарасиз ва замон талабларига жавоб бермайдиган ёндашув сифатида танқид қилинди. Меъморчиликнинг кейинги ривожланишида соддалик, тежамкорлик ҳамда қурилишни саноат асосида ташкил этиш асосий тамойиллар сифатида белгиланди. Бундай жараён Бухоро шаҳрида ҳам ўз аксини топди. 1950 йилларнинг иккинчи ярмидан қисқа муддатда аҳолини уй-жой билан таъминлаш тамойиллари асосида шаҳарнинг жанубий-шарқий қисми бўйлаб бир хил режавий ва меъморий ечимларга эга тўрт қаватли кўп квартирали турар-жой бинолардан иборат микрорайонлар шакллантирила бошланди. Янги микрорайонларнинг ташкил этилиши шаҳарда барпо этилаётган саноат корхоналарида ишловчи ишчиларни уй-жой билан таъминлаш эҳтиёжи билан узвий боғлиқ бўлган. Турар-жой бинолари билан бир қаторда мактаблар, болалар боғчалари, савдо шаҳобчаларининг қурилиши микрорайонларни мустақил ижтимоий-маиший ҳудудлар сифатида шакллантирди. Натижада Бухоро шаҳрининг қурилиш ҳудуди тарихий марказдан ташқарига чиқиб, Эски Бухоронинг жанубий-шарқий қисми томон изчил кенгайиб борди. Бош режаларда тарихий шаҳар марказини сақлаб қолиш билан бирга, унинг ташқарисида янги турар-жой массивлари, саноат корхоналари ва ижтимоий инфратузилма биноларининг жойлаштириш назарда тутилди. Хрущёв даврида кенг тус олган стандартлаштирилган оммавий қурилиш Бухоронинг нафақат ҳудудий тузилиши, балки унинг асрлар давомида шаклланган тарихий қиёфасини ҳам ўзгартирди. Бундай умумиттифок жараёнлари Бухоро шаҳри меъморий муҳитида ҳам ўзига хос шаклларда намоён бўлди.

1960-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб намунавий қурилиш сақланган ҳолда, совет меъморчилигида янги бир босқич бошланди. Ҳукумат раҳбарининг ўзгариши маълум тарзда меъморчиликка ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Брежнев даврида оммавий турар-жойлар стандарт лойиҳалар асосида қурилишда давом этган бўлса-да, йирик маъмурий, маданий ва илмий биноларда шаҳарнинг нуфузини намоёиш қилишга қаратилган

репрезентатив(**Репрезентативлик** — бино ёки меъморий мажмуа орқали давлат, ташкилот ёки ҳокимиятнинг нуфузи, қудрати ва мавқеини қўрғазмали тарзда намоён этиш хусусиятидир.) ечимлар ишлаб чиқилди.

1970-йилларда шаҳар марказларида кенг майдонлар, маъмурий мажмуалар, маданият саройлари, меҳмонхоналар, кутубхоналар ва йирик жамоат бинолари қурилиши авж олди. Шу билан бирга қурилишда миллий безак ва йирик шаҳарсозлик ансамблларига қизиқиш яна кучайди.

Марказий Осиёда замонавий темир-бетон конструкцияларни маҳаллий иқлим ва миллий безак элементлари билан уйғунлаштиришга ҳаракат қилинди. Қуёшдан ҳимоя қилувчи панжаларлар, такрорий геометрик орнаментлар, соябонлар ва ички ҳовлилар жамоат бинолари фасадларида қўлланилди. Бу элементлар бир томондан иссиқ иқлим шароитига мослашишга, иккинчи томондан эса намунавий биноларга маҳаллий қиёфа беришга хизмат қилди. Хусусан Тошкентдаги Ўзбекистон тарихи давлат музейи, “Ўзбекистон” меҳмонхонаси, Бухоро давлат техника университети (собик Бухоро муҳандислик-технология институти) каби қурилган кўпгина биноларда советча серияли қурилиш тамойили билан ислом меъморчилигидаги такрорий орнамент ўртасида муайян бадиий уйғунлик юзага келди. Лекин айтиш керак-ки, бундай “миллийлик” кўпинча анъанавий Бухоро меъморчилигининг ижтимоий моҳиятини эмас, унинг ташқи декоратив белгиларини ифодалар эди. Брежнев даври меъморчилигининг муҳим хусусияти шундаки, у Хрущёв давридаги тежамкорлик ва стандартлаштиришни тўлиқ рад этмади. Аксинча, намунавий бир хил қолипда ишлаб чиқарилган қурилиш деталларидан фойдаланган ҳолда йирик маъмурий ва жамоат биноларига монументал ҳамда индивидуал қиёфа беришга интилди. Мазкур ёндашув кечки совет даврида ҳам давом этди. Унинг Бухородаги йирик намуналаридан бири 1986 йилда қурилган вилоят партия қўмитаси биноси (кейинчалик ушбу бинода Бухоро вилояти ҳокимлиги жойлашган эди, ҳозирда бузиб юборилган) эди. Бино меъмор Рихард Блезэ лойиҳаси асосида қурилган бўлиб, сталинча неоклассицизмдан фарқ қилувчи янги турдаги монументаллик — совет модернизмига хос геометрик ва ҳажмий улуғворлик намунаси сифатида барпо этилади.



Бино Эски Бухоро билан шаҳарнинг совет даврида шаклланган янги қисми оралиғида жойлашгани, у фақат маъмурий бино эмас, балки шаҳарнинг икки хил тарихий-меъморий муҳити туташган нуқтадаги муҳим ҳудудий белги вазифасини ҳам бажарган. 1978 йилда Бухоро шаҳри маъмурий жиҳатдан икки туманга бўлинганини [7] ҳисобга олсак, мазкур бино ушбу ҳудудларни ажратиб турувчи чегара эмас, балки уларни шаҳарнинг ягона маъмурий маркази атрофида рамзий жиҳатдан боғлаб турувчи меъморий кўприк сифатида талқин қилиш мумкин.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, совет даврида Бухоронинг меъморий муҳити тарихий анъанавий шаҳар ўрнини янги шаҳар эгаллаши орқали эмас, балки тарихий мерос, янги маъмурий вазифалар, стандартлаштирилган қурилиш ва мафкуравий талабларнинг ўзаро таъсири натижасида шаклланди. Ушбу жараён бир томондан шаҳарнинг ҳудудий кенгайиши, ижтимоий инфратузилманинг ривожланиши ва

аҳолини замонавий уй-жойлар билан таъминлаш имконини берган бўлса-да, иккинчи томондан Бухоронинг анъанавий маҳалла-гузар тузилиши, тарихий чегаралари ҳамда

меъморий мухитининг яхлитлигига жиддий таъсир кўрсатди. Бухоронинг бугунги меъморий кифаси ана шу турли тарихий боскичлар, ўзига хос мафкуравий қарашлар ва шаҳарсозлик сиёсатларининг мураккаб уйғунлиги натижасидир.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Тураев Х. Русско-европейская архитектура Бухары-часть культурного наследия. // Бухарский вестник. 9 января 2021 г.
2. Иноятлов Х.Ш. Создание основ народно-демократического строя в БНСР. 50-лет Бухарского Народной Советской революции. материалы научной сессии. Ташкент: Фан. 1972. - Б. 78.
3. Хмельницкий Д. С. Кладбище соцгородов: градостроительная политика в СССР (1928-1932 гг.). М.:РОССПЭН, 2011.
4. А.В. Щусев. Проект театра в Ташкенте. 1934 // Искусство: орган Союзов советских художников и скульпторов. — М.; Л.: ОГИЗ–ИЗОГИЗ, 1934. — № 4.
5. <https://morsmagazine.ru/kontekst/konstruktivizm-stalinskij-ampir>.
6. В.Горлов. Всесоюзное совещание строителей и архитекторов 7 декабря 1954 г. как ответ на социальный заказ по решению жилищной проблемы. М., Постсоветский материк. 3(39)/2023 г.-110 с.
7. Бухоро вилояти давлат архиви, 1296 фонд, 112-йиғма жилд, 1-рўйхат, 15-варақ.
8. Khayotova N. Z., Bozorova R. S., Safarov T. T., Alimova M. M., Muradov S. A. Urban transformation and cultural heritage in the Turkic world: reassessing the Soviet urban heritage // Frontiers in Built Environment. — 2026. — Vol. 12. — Article 1819075. — DOI: 10.3389/fbuil.2026.1819075.

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Тадqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000